

«Hilol» журнаlining ikkinchi soni chop etildi



14:02 / 14.05.2019 1470

Дунё тарихида оддий ҳақиқатнинг бири шуки, илму фансиз ҳеч бир юрт, ҳеч бир халқ, ҳеч қандай жамият тараққиётга эриша олмайди. Ислом маданиятининг гуллаб-яшнаши, мусулмон ўлкаларининг жаҳон тарихи кўрмаган тараққиётга эришиши, юртларнинг обод, халқларнинг пешқадам бўлиши ҳам Ислом динининг илм-фанга бўлган муносабатидандир.

Маълумки, юртимиз оммавий ахборот воситалари сафига яна бир янги нашр қўшилганидан хабарингиз бор. Фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ бошлаган илмий-маърифий ишларнинг узвий давоми саналган «Hilol-nashr» нашриёт-матбаа мажмуаси муассислигида «Hilol» диний-маърифий, ижтимоий-адабий журнаlining Рамазон ойига бағишланган иккинчи сони chop etildi. Ушбу журнал ўз олдида «Пок ақийда, исломий маърифат таратиш, бағрикенгликни ёйиш»

шиори остида халқимизга соф Ислом маърифатини оширишга ҳисса қўшишни мақсад қилган.

Рамазон ойига бағишланган журналнинг иккинчи сонида «Тафсир», «Ҳадис», «Фиқҳ», «Рўза ва саломатлик», «Ҳилол меҳмони», «Мулоҳаза», «Анъана», «Тазкия», «Саодат остонаси», «Муслималар саҳифаси», «Машҳур масжидлар» каби ўндан ортиқ рукнлар ва мусулмонлар ҳаётига оид кўплаб қизиқарли материаллар эълон қилинган. Жумладан, давримизнинг машҳур уламози, «Замонавий фиқҳий муаммолар хусусида баҳслар» китоби муаллифи, Шайхул ислом, Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизахуллоҳнинг «Бу ўлка олимлари олдида бутун Ислом олами қарздор...» номли мақоласи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул ходими Муҳаммад Айюбхон Ҳомидов билан суҳбат, Аҳмад Муҳаммаднинг «Ҳам қувонч, ҳам афсус...», Тоҳир Аҳадов тайёрлаган «Рамазон рўзасининг фазилатлари», «Рўзам комил бўлсин десангиз», «Рўза ва саломатлик», Рамазон ойи рўзасини тутиш Исломнинг асосий рукнларидан эканлиги ҳақидаги маълумот ҳамда «Японияга исломнинг кириб келиши» каби қизиқарли мақолалар ўқувчида катта қизиқиш уйғотиши мумкин. Айниқса, ўқувчиларимиз, «Саҳобалар ҳаёти» рукни остидаги мақолада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Умар розияллоҳу анҳудек зотга чиройли таърифлари келтирилган маълумотлардан хабардор бўлишади.

«Hilol» диний-маърифий, ижтимоий-адабий журналининг ижодий гуруҳи юртимизнинг барча мўмин-мусулмонларини муборак Рамазон ойи билан қутлайди. Барча мусулмонларимизга ушбу ойни Аллоҳ буюрганидай чиройли ўтказиш насиб этсин! Рамазон ойингиз муборак бўлсин!

Islom.uz портали таҳририяти